



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА СУПРИЛЕКС®

Препаратнинг савдо номи: СУПРИЛЕКС®

Таъсир этувчи модда (ХПН): изоксуприн гидрохлориди

Дори шакли: таблеткалар.

Таркиби:

Ҳар бир таблетка қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 10 мг изоксуприн гидрохлориди;

ёрдамчи моддалар: микрокристалл целлюлоза, натрий кроскармеллозаси, магний стеарати, коллоидли диоксид кремний.

Таърифи: оқ рангли, думалок, бир томонида синиқ чизиги бўлган ясси таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Периферик вазодилататорлар.

АТХ коди: C04AA01.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Изоксуприн – периферик вазодилататор, бета-адренорецепторлар агонисти. Бета-адренорецепторларга рағбатлантирувчи таъсири туфайли изоксуприн қон томирлар силлиқ мушаклари тонусини пасайтиради, уларнинг спазмаларини бартараф қилади, периферик ва мия қон айланишини, тегишли равишда, тўқималарнинг қон билан таъминланишини яхшилайдди. Юракка ижобий инотроп ва хронотроп таъсирга, шунингдек токолитик таъсирга эга. *In vitro* ва *in vivo* шароитдаги тадқиқотларида изоксуприн туғишда бачадоннинг спонтан ва окситоцин билан кучайтирилган фаоллигини бартараф қилган. Шунингдек, изоксуприн бироз бронхолитик таъсир этади. Катта дозаларда тромбоцитлар агрегациясини сусайтиради ва қон ёпишқоклигини камайтиради.

Фармакокинетикаси

Изоксуприн меъда-ичак йўлидан тез абсорбцияланади. Жигарда қисман конъюгация орқали метаболланади. Перорал қўлланилганида плазмада максимал концентрациясига тахминан 1 соат давомида эришилади. Ярим чиқарилиш даври тахминан 1,25 соатни ташкил этади. Кўпроқ сийдик ва камроқ ахлат билан чиқарилади.

Қўлланилиши

Суприлекс® таблеткалари қуйидаги турли генезли периферик қон айланиши бузилишларида тавсия этилган: қўл-оёқлар артериоспазмаси, қон томирлари бекилиб қоладиган эндартериит, қўл-оёқлар артериялари атеросклерози, диабетик ангиопатия, Рейно касаллиги ва синдроми. Атеросклеротик генез сурункали цереброваскуляр етишмовчилиги, тўрпарда артериялари атеросклерози. Вақтидан илгари туғишлар хавфи (инъекцион изоксуприн терапиянинг давоми сифатида).

Қўллаш усули ва дозалари

Қон айланиши бузилиши билан бирга кечадиган касалликларда препарат овқатланишдан сўнг суткада 3–4 маҳал 10–20 мг дан қўлланилади. Даволаш курси 2–3 ойни ташкил этади. Вақтидан илгари туғишлар хавфи ҳолатида Суприлекс® таблеткалари изоксуприн билан вена ичига олдинги даволаш курсидан сўнг буюрилади. Пациент аҳволи яхшиланган (тўлғоқлар бартараф этилган) ҳолатда, ичга қабул қилинганда изоксуприннинг тавсия этиладиган дозаси суткада 4 маҳал 20 мг дан ташкил этади. Даволашнинг давом этиш муддати – 2 сутка.

Ножўя таъсирлари

Тахикардия, юрак уриши, артериал гипотензия, кўкрак қафасидаги оғрик, бош айланиши, мадорсизлик, қон қуйилишлари ҳисси, кўнгил айниши, қайт қилиш, тери тошмаси, диспепсия.

Препарат вақтидан илгари туғишларни даволаш учун қўлланилганида ҳомила ва онада тахикардия кузатилиши мумкин. Оналари изоксуприн қабул қилган ҳомила ва янги туғилган чақалоқда тахикардия, артериал гипотензия, гипокальциемия, гипогликемия ва ичакларнинг беркилиб қолиши каби симптомлар пайдо бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Изоксуприн ёки препаратнинг бошқа таркибий моддасига ўта юқори сезувчанлик, анамнезда церебрал қон кетиши ва метроррагия, артериал қон кетиши, стенокардия, артериал гипотензия ва лактация даврида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Изоксуприннинг бошқа дори препаратлари билан салбий ўзаро таъсирга тегишли маълумотлар йўқ. Кардиологияда қўлланиладиган вазодилататорлар билан бир вақтда қабул қилинганда қон томирини кенгайтирувчи таъсир кучайиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Шифокор томонидан белгиланган дозадан ва даволаш курсининг давом этиш муддатидан оширмаслик керак. Препарат билан даволаш вақтида ҳар қандай нохуш реакциялар пайдо бўлган ҳолатда, албатта шифокорга мурожаат қилиш керак.

Стенокардия, тахикардия, қон қуйилишлар, қон қуюлиши бузилиши, глаукома, ўткир босқичдаги миокард инфаркти ва инсульт мавжуд бўлган ҳолатда препарат эҳтиёткорлик билан буюрилиши керак.

Кекса ёшдаги пациентлар препарат билан даволаниш вақтида ортостатик гипотензия олдини олиш мақсадида ўриндикдан эҳтиёткорлик билан туришлари, тана ҳолатининг кескин ўзгаришларидан сақланишлари керак.

Чекувчи пациентларда препаратнинг самарадорлиги камайиши мумкин.

Суприлекс® препарати билан даволаниш вақтида алкоголь ичимликларини ичмаслик керак. *Болалар.* Болаларда препарат қўлланилишига тегишли маълумотлар йўқ.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Суприлекс® препарати ҳомиладор аёлларда қўлланилиши мумкин эмас, вақтидан илгари туғишлар хавфи ҳолатлари бундан мустасно. Изоксуприннинг лактация даврида қўлланилиш хавфсизлиги тўғрисида маълумотлар йўқ, шунга қарамай, специфик тадқиқотлар ўтказилмаган бошқа препаратлар билан боғлиқ ҳолатлар каби кўкракдан эмизиш вақтида препарат қўлланилишидан сақланиш керак.

Транспорт воситасини бошқариш ва бошқа хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препарат серуйқулик ёки бош айланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда, транспорт воситаларини бошқариш ва мураккаб механизмлар билан ишлашдан сақланиш керак.

Дозанинг ошириб юборилиши

Симптомлари: тахикардия, юрак уриши, кўкрак қафасидаги оғрик, артериал гипотензия, бош айланиши, мадорсизлик, ҳушидан кетиш, кўнгил айниши, қайт қилиш кузатилиши мумкин.

Даволаш: симптоматик ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

10 тадан таблетка ПВХ/ПДВХ блистерда.

1 ёки 3 тадан блистер тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Қурук, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихонадан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Ишлаб чиқариш манзили

SP-289(A), RICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори препаратларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Кичик Халқа Йўли, 91 уй.

Тел.: + (99878) 150-97-97, + (99878) 150-97-87

Мобил: + (99893) 388 87 82

Email: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz